

Шерободда "Аёллар дафтари"га киритилган 200 нафар хотин- қизларга инкубатор, тикув машинаси ва махсус сертификатлар топширилди



Куни кечаки туманимиздаги барча секторларда ана шу аёллар учун Сурхондарё вилояти Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари Н.И.Юсупова ва туман ҳокимининг ўринbosари - оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Боймуродова ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоллари ва бошқа масъуллар иштирокида хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилди. Зарур фикр-мулоҳазалар ва тавсияларга бой тарзда ўтган семинарлар якуннида бепул махсус ўқув курсларида ўқишни тугаллаган ушбу 200 нафар хотин-қизларга махсус сертификатлар топширилди. Эндиликда ўз соҳасида зарур билим ва техникага эга бўлган ушбу аёллар ўзларини банд қилиб, оилавий даромадларини оширишга бел боғлашади.